

ИНТЕНСИВ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА ШИРАЛАРНИНГ (APHIDIDAE) ТУРЛАРИ, БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мевали дарахтларга зарар келтирувчи шираларнинг турлари, биологик хусусиятлари, зарари ҳамда уйғунлашган кураш усуллари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Шу жумладан, олма яшил шираси, қизил қон бити, нок шира бити ва данакли мевали дарахтларга тушадиган шафтоли тана бити каби сўрувчи зараркундалар ва уларнинг энтомофаглари тилга олинган.

Калим сўзлар: Aphididae, *aphis pomi*, *Eriosoma lanigerum*, *Psylla vasilivi*, *Anuraphis persicae*, интенсив, морфология, биология, қариши кураш.

Аннотация: В статье представлены результаты исследования видов соков, повреждающих плодовые деревья, их биологических свойств, повреждений и комбинированных методов борьбы. По его словам, сосущие вредители и их энтомофаги, такие как яблочно-зеленый сок, красные кровяные вши, грушевые тли и персиковые блохи, которые падают на засеянные плодовые деревья, перечислены отдельно.

Ключевые слова: Aphididae, *aphis pomi*, *Eriosoma lanigerum*, *Psylla vasilivi*, *Anuraphis persicae*, интенсив, морфология, биология, борьба.

Annotation: This article presents the results of research on the types of juices that damage fruit trees, their biological properties, damage and combined control methods. According to him, sucking pests and their entomophagous, such as apple green sap, red blood lice, pear aphids and peach fleas, which fall on seeded fruit trees, are listed separately.

Keywords: Aphididae, *aphis pomi*, *Eriosoma lanigerum*, *Psylla vasilivi*, *Anuraphis persicae*, intensive, morphology, biology, control.

Юртимиз боғларида уруғ мевали дарахтлардан олма, нок ва бехига ўсимлик битлари (ширалар), қон бити, қалқондорлар, мевахўрлар ва ўргимчаккана, данак мевали дарахтларга эса ўсимлик битлари (ширалар), қалқондорлар, мевахўрлар, баргхўрлар жиддий зарар етказади. Айниқса сўрувчи зараркундалардан шираларнинг зарари жуда каттадир. Натижада новдалар нимжон бўлиб қолган дарахтларга иккиламчи зараркунанда - пўстлоқ ости қўнғизлари тушиб зарарлайди, дарахтлар қуриб қолади (Учаров А., Пўлатов Ж., 2021).

Ширалар ер юзида кенг тарқалган майда полиморф ҳашаротлардир. Уларнинг танаси кўпинча овал кўринишда, баъзан шар ва ҳатто цилиндрсимон, сийрак ёки зичроқ туклар, баъзан оқ ғубор ёки безлар ишлаб чиқарган оқ мумсимон момиқ билан қопланган бўлади (Муродов С.А., 1982).

Ширалар тенг қанотлилар – Homoptera туркумининг ширалар-Aphidinea кенжа туркумига мансубдир. Одатда улар ўсимликларнинг ўсиш нуқталарида ва баргларида яша йди ва зиён келтиради (Хўжаев Ш.Т., 2014 й). Ўсимлик битлари тушган олма, нок каби мевали дарахтлар барглари бужмайиб қолади, баъзан эса тўкилиб кетади. Бҳаор охирларида шираларнинг кўп турлари мевали дарахтлардан бошқа ўсимликлар ёки сабзавотларга ўтади (Худойқулов А.М., Махмудова Ш.А., 2021).

Ширалар ўсимликларни сўриб озикланувчи ҳашаротларнинг катта гуруҳини ташкил этади. МДХ ҳудудларида 800 дан ортиқ турни ташкил этади. Эрта баҳорда турли бегона ўтларда кейинчалик сабзавот, боғ экинларида кўплаб кузатилади (Ахатова А.К., Ижевского С.С., 2004). Данакли мева дарахтларига барг битларининг куйидаги турлари тушади. Қамиш бити бодом, олхўрига, шафтоли тана бити шафтоли, бодом, олхўри, тоғолчага, яшил олма битлари олма, нок вабошқаларда зарар етказади (Хамраев А.Ш., 2017). Ўсимлик битларининг табиий қушандаларидан 2 нуқтали, 7 нуқтали, 11 нуқтали хонқизи қўнғизлари, сирфид пашшалари ўсимлик битлари сонини биологик бошқаришда муҳим аҳамиятга эгадир. Олтинқўзлар ёзнинг иккинчи ярмида кўплаб учрайди. Қон

битининг паразити афелинусни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин (Муҳаммадиева М, Сулаймонов Б., 2015).

Боғдорчиликда зарар етказувчи ширалар барглар, ўсув нуқталарини сўриб зарарлайди, баргларининг буралиши ва меваларининг тўкилиши, новдаларининг ёритилиши ва бошқа турли касалликлар келиб чиқишига сабабчи бўлади (Kennedy ва бошқ., 1962).

Андижон вилояти шароитида 2019-2020 йилларда ўтказилган тадқиқотларда юқори иқтисодий ҳавфга эга шира турлари аниқланди ва уларнинг мавсумда дарахтларда учраш даражаси ҳисобга олинди. Бунда энг юқори популяция ҳосил қилган турлар яшил олма ширси, қизил қон шираси, шафтоли тана шираси эканлиги аниқланди.

Олма яшил шираси (*Aphis pomi* Deg). Бит яшил рангда бўлиб боши сарғиш-жигарранг. Найча ва думчаси оч рангли, танасининг узунлиги 3 мм. МДХ нинг барча ҳудудларида тарқалган.



1-расм. Яшил олма шираси

Тухуми ёш новдаларда қишлайди. Личинкалари мева куртаклари очиладиган вақтда, яъни яшил конуси фазасида тухумдан чиқади, улар аввал бўртган куртаклардаги ширани, кейинчалик барг ва гуллардаги ширани сўриб озикланади. Ёз бўйи 17 мартагача авлод беради. Қанотсиз урғочилар билан бир вақтда қанотли урғочи тарқатувчилар ҳам пайдо бўлади ва улар бошқа олма дарахтига учиб ўтиб, зараркунанда ҳашаротнинг тарқалишига имкон яратади. Ҳар бир урғочи

зот баҳорда 50 тагача, ёзда эса 20-30 тагача личинкани тирик туғади. Охириги бўғинларида эркак ва урғочи зотлари пайдо бўлади. Урғочилари урчигандан кейин ёш ўсимта ва новдачаларга кўпинча куртак асосига 1-5 тадан қишлайдиган тухум қўяди.

Мевали боғларда учровчи ширалар турлари ва уларнинг учраш даражаси (Андижон вилояти, 2019-2020й)

№	Зараркунанда тури	Латинча номи	Оила	Туркум	Учраш даражаси
1.	Олма яшил шираси	<i>Aphis pomi</i>	Aphididae	Homoptera	+++
2.	Қизил қон шираси	<i>Eriosoma lanigerum</i>			+++
3.	Нок шираси	<i>Psylla vasilivi</i>			++
4.	Шафтоли тана бити	<i>Anuraphis persicae</i>			+++

Бит олмага, шунингдек нок, беҳи, дўлана кабиларга ҳам зарар етказади. Барг ва новдалар ўсишдан тўхтади, бужмаяди ва кўпинча қуриб қолади. Нимжонлашган новдалар совуққа чидамсиз бўлади.

Қизил қон шираси (*Eriosoma lanigerum* Hausn). Узунлиги 2,3 мм мумсимон оқ ғубор билан қопланган.



2-расм. Қизил қон шираси

Жанубий ҳудудларда тарқалган. Россияга Франциядан кўчатлар билан бирга олиб ўтилган. Қизил қон ширасининг қанотсиз тўқ қизил рангда, 2,1-2,6 мм келади. Бундай ширани эзиб юборилса қизил рангли қонсимон суюқлик чиқади.

Танаси цилиндр шаклида бўлиб, боши, кўкраги ва оёқлари қора, қорни тўқ жигаррангда.

Қанотсиз партеногенетик урғочилари ва личинкалари кўпинча олма дарахти илдизиди қишлайди. Баҳорда личинкаларнинг кўпи шох-шаббаларга ўтади. Дарахт танасининг нозик жойларига ёпишиб, тўда ҳосил қилади. Бундай жойлар оқ пахта каби қоплама билан қоплангандай бўлиб туюлади. Зарарланган новдаларда ғурралар пайдо бўлиб, новда қийшайди ва ривожланишдан орқада қолади. Қизил қон ширасининг личинкалари 4 марта

пўст ташлаб ривожланади. Улар дарахтга ёпишиб олган жойидан кўчмай, бир жойда вояга етади. Май ойидан бошлаб қизил қон шираси колонияларида бошқа жойларга тарқаш учун қанотли зотлар пайдо бўла бошлайди. Лекин бу зараркунанда жойдан-жойга асосан кўчатлар билан тарқайди.

Нок шира бити (*Psylla vasilivi*Suls). Фақат нок дарахтларида яшайди ва ривожланади. Зараркунандаларнинг сўриб ётиши натижасида барглар қўнғир тусга киради ва барвақт тўкилиб кетади, дарахтнинг ўзи заифлашади, мевалари етилмай қолади. Юқори ҳароратли ёз кунлари бошлангач, нок шира бити личинкалари кўплаб ёпишқоқ бит чиқиндилари чиқара бошлайди, кўпинча ҳамма барглар, мевалар, новда ва бутоқлар сирти шундай ширабит чиқиндилари билан қопланади.



Шафтоли тана шираси

Нок ширабити етук ҳашаротлик босқичида пўстлоқ ёриқларида, хазон тагида, ўт-ўлан орасида, кесаклар тагида қишлайди. У қишловдан барвақт харорат +5-8 С га етгач, феврал ойида чиқа бошлайди. Тухум қўйиш даври анча узоқ давом этади. Урғочи ҳашаротлар бутун ҳаёти давомида 400-500 дон тухум қўя олади. Ёзги наслларнинг тухум сони 1200 тагача етиши мумкин.

Шафтоли тана шираси (*Pterochloroides persicae* Chol.). Асосан шафтоли, бодом, олхўри, тоғолчага тушади. Шафтоли тана битининг қанотсизи 2-2,4 мм, қанотлиси 1,4-2 мм узунликда зарғалдоқ туслидир. Қанотли битнинг боши ва кўкраги ялтироқ қора, қанотсиз бит кўкрагининг кўндалангига қараб

юқоридан иккита қора йўл ўтади. Битларнинг шира найчалари қора. Қанотсиз бит кенг овал шаклда қаппайган бўлади.

Шафтоли тана бити факультатив миграция қилувчи турларга киради. Бу битнинг асосий ўсимликлари мева дарахтларидир. Бит шу дарахтларда баъзан йил бўйи туради, лекин асосан ёзда қисман қушқўнмасга учиб ўтади. Қанотли битлар июндан бошлаб пайдо бўлади.

Азимжон АНОРБОЕВ,

ТошДАУ профессори, қ.х.ф.д.,

Азиза ЖУМАЕВА,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти стажёр тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алиев Ш.К., Ниязов Т.Б. Ўсимликларни химоя қилиш. Андижон -2017 й
2. Ахатова А.К., Ижеского С.С. Вредители тепличных и оранжерейных растений. Москва- 2004 г.
3. Муродов С.А. Умумий энтомология курс. Тошкент- 1982 й.
4. Мухаммадиева М., Сулаймонов Б., Ортиқов У., Абдуллаева Р. Мевали дарахтларни зараркундалардан химоя қилиш тадбирлари. "Агро илм" журнали. Тошкент, № 2. 2015. Б-25.
5. Учаров А., Пўлатов Ж. Боғларни зараркундалардан химоялаш. Агро.уз 2011-2021 й
6. Хамраев А.Ш., Кожевникова А.Г., Сулаймонов Б.А., Хушвақтов Қ.Х.,
7. Худойкулов А.М., Махмудова Ш.А. Мевали боғларда қалқондорларга қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлиги. Academic research. 2021.
8. Хўжаев Ш.Т. Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган химоя қилиш ҳамда агротоксикология асослари. Тошкент -2014 й.
9. Kennedy J.S., Eastop V.F. A Conspectus of aphids as vectors of plant viruses. London. comm. Inst. Entomology. 19621;114.

УЎТ: 633.11; 632.934

ЎҚИНГ, ЭЪТИБОР БЕРИНГ

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА УЧРАЙДИГАН САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ КУРАШНИ ҲОСИЛДОРЛИККА ВА 1000 ДОНА ДОН МАССАСИГА ТАЪСИРИ

Аннотация: Мақолада ғаллазорларда учрайдиган сариқ занг касаллиги ҳамда уларга қарши кимёвий кураш олиб боришда қўлланиладиган фунгицидлар бўйича тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: самарадорлик, юмшоқ бугдой, ҳосилдорлик, 1000 донна дон массаси, фунгицид, суспензия, вариант, тажриба, дон натураси, касаллик, қарши кура.

Аннотация: В статье даны рекомендации по желтой ржавчине зерновых и фунгицидам, используемым в химической борьбе.

Ключевая слова: урожайность, пшеница мягкая, урожайность, масса 1000 зерен, фунгицид, суспензия, вариант, опыт, природа зерна, болезнь, контроль.

Annotation: This article provides advice on cereal yellow rust and fungicides used in chemical control.

Key words: productivity, soft wheat, productivity, 1000 grain weight, fungicide, suspension, variant, experience, grain nature, disease, control.

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги йилларда Республика-мизнинг ғалла майдонларида сариқ занг (*Puccinia striiformis* f.sp.tritici) касаллиги ғалла ҳосилдорлигига жиддий зарар келтирадиган касалликлардан бири бўлмоқда. Ваҳоланки, бугдойнинг сариқ занг касаллигига қарши кимёвий кураш олиб бориш ишлари ўз вақтида ва самарали олиб бориш муҳим аҳамият касб этади [1].

Ҳозирги кунда деярли барча майдонларда баҳор ойларида ҳавонинг илиқ сернам бўлиши, кузда экилган юмшоқ бугдой навларининг турли занг ва бошқа касалликлар билан кучли

даражада зарарланишига олиб келмоқда. Бу эса етиштирилган ҳосилнинг 30-40 % ни, баъзи вилоятларда эса 50-60 % га камайишига олиб келмоқда [3].

Кузги бугдойнинг туплаш даврида қўлланилган фунгициднинг занг касаллигига таъсири кузатилганда, Альта супер фунгициди сепилган вариантларда сариқ занг спораси 100 % гача нобуд бўлганлиги кузатилди. Худди шунингдек, бугдойнинг найчалаш даврида фунгицид сепилган вариантларда сариқ занг споралари 100 % гача нобуд бўлганлиги аниқланган [2].